



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
KARSHI STATE UNIVERSITY
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE**

**ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА
МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ
МЕЖКУЛЬТУРНЫЕ
КОММУНИКАЦИИ В
СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКЕ
INTERCULTURAL COMMUNICATION IN
MODERN LINGUISTICS**

Қарши
“Насаф” НМИУ
2022

УДК 410(082.2)

ББК 81.2

3 -31

Ушбу тўпламда ўзбек, рус, инглиз, немис, француз филологияси соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тилишунос, адабиётшунос ва таржимашунос олимлар ҳамда тадқиқотчиларнинг мақолалари жамланган. Тўплам филология мутахассислари, илмий ходимлар, магистрантлар, стажер-тадқиқодчи изланувчилар, шунингдек, тил ва адабиёт масалалари билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Эслатма: мақолаларнинг мазмуни, сифати, илмий-фактик материаллари учун муаллифлар шахсан масъулдирлар.

Масъул муҳаррирлар:

Хамраева Ё.Н.,

Қарши давлат университети рус тили ва адабиёти
кафедрасининг мудири филология фанлари номзоди, доцент.

Пардаева Д.Р.,

Қарши давлат университети рус тили ва адабиёти кафедраси
доценти в.б., филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Такризчилар:

Мирзаева К.Т., Қарши давлат университети рус тили ва адабиёти
кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Рахимов Х.А., “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университетининг
Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти
“Математика ва табиий фанлар” кафедраси мудири,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таҳрир хайъати:

Саидова Зухра Худойназаровна
Юлдашева Лайло Улуғбековна
Бозорова Нодира Шамсиевна
Сайдуллаева Раъно Ибатовна
Юлдашева Лола Кулдашевна

*Халқаро илмий-амалий анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 7 мартдаги 101-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган режага мувофиқ Қарши
давлат университети томонидан таъкил этилди.*

© To‘plam, 2022-yil

© “Nasaf” NMIU, 2022-yil

ISBN 978-9943-18-334-6

**ТАРЖИМАДА МИЛЛИЙ СЎЗ ЧЎЛ ТАСВИРИНИНГ
БЕРИЛИШИ**
(Кенгесбой Каримовнинг “Оғабий” романи таржимаси мисолида)

**Атаджанов Ғуломжон,
ЧДПУ ўқитувчиси**

Аннотация. Ушбу мақолада чўл тасвири таҳлилга тортилади. Аслият ва таржимадаги сўзларга эътибор қаратилади.

Калит сўзлар: таржима, аслият, чўл, миллий сўз, ўсимлик

Abstract. This article will provide the analysis of the desert image. Emphasis is placed on the words in the original and in the translation.

Key words: translation, originality, desert, national word, plaint

Аннотация. В данной статье анализируется образ пустыни. Акцент делается на слова в оригинале и в переводе.

Ключевые слова: перевод, оригинал, пустыня, национальное слово, растение.

Миллийлик барча миллатга хосдир. Таржимон ўзга тилдан она тилига таржима қилар экан, биринчи навбатда ўша халқнинг тилини мукаммал даражада билиши зарур. Ана шундан сўнг навбат миллийликка келади. Бевосита таржимада миллий колоритга хос бўлган сўзларни таржима қилиш ҳам мутаржимдан анча меҳнат ва машаққатни талаб қилади. “Таржиманинг мукамаллиги унда миллий колоритнинг сақланиши билан ўлчанади”[1.245]. Мутаржим Рустам Мусурмон Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Кенгесбой Каримовнинг “Оғабий” романини таржима қилар экан мана шу миллийликка, миллий колоритга хос бўлган сўзларга алоҳида эътибор қаратади. “Хар бир миллат ўзига хос яшаш шароити, тили, ма- данияти, психологик хусусиятлари, ҳуллас, миллий характериға, урф-одатиға эға.У ёки бу миллатнинг ўзига хос хусусиятлари бадий асарда акс этиб, унинг миллий колоритини ташкил этади. Миллий ўзига хосликнинг асосий белгиларидан бири реалиядир. Реалияларға миллий таомлар, кийим-кечаклар, миллий чолғу асбоблари, рўзғор анжомлари, номлар, тахаллуслар, лақаблар, шаҳар, қишлоқ хусусиятлари, меъморчилик, географик номлар, табиат манзаралари, ҳайвон ва ўсимлик номлари, даража, унвон, табақа ва бошқа бўлинишларни ифодаловчи сўзлар, муассасалар, ташкилотлар, диний маросимлар ва бошқа этнографик белгиларни билдирувчи сўз ва иборалар киради.”[2.257] Мана шундай миллий реалияларға хос бўлган сўз бу-**чўл** сўзидир.

Тарихдан маълумки, қорақалпоқлар Амударё ва Сирдарё бўйлари бўйлаб ҳозирги ҳудудларига этиб келганлар. Мазкур асарда ҳам қорақалпоқларнинг Бухоро билан Чимбой ўртасидаги ястаниб ётган Қизилқум саҳросини босиб ўтиши кенг тасвирланган. “**Оғабий**” роман-диалогияси икки китобдан иборат бўлиб, биринчи китоб “**Кўч**”, иккинчи китоб “**Ота юрт**” деб номланади. Ушбу романнинг биринчи китоби бекорға “**Кўч**” деб номланмаган. “Кўч тарихда эл-юрти ва мол-ҳоли учун чексиз ва бепоён даштларда қулай ва хавфсиз манзил-у макон излаб, бола-чақаси-ю аҳли аёли, навкарлари-ю чўпонлари, ўтовлари-ю қора уйлари, туялари-ю тулпорлари, қўй-қўзилари, содиқ ва вафодор итлари билан гоҳ ёзловдан қишлоғға, гоҳ қишлоқдан ёзловға чуваб кўчиб юрган кўчманчи халқ ҳаётида жуда катта аҳамиятға эға ном ва ҳаракатдир. Кўч дегани йўлга чиқиш, сафарға отланиш деганидир”[3.5]. Чўл қорақалпоқ халқининг ажралмас қисми бўлиб қолган десак муболаға бўлмайди. Чунки мазкур роман сужетини чўлсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Роман айнан чўл тасвиридан бошланади. **Ўзбекча таржимада:** “Бўрининг узиб-узиб улиган товуши сукунатни бузиб юборди. Итлар бирданиға безовдаланиб, бир-бириға жўр бўлиб хурди. Акс-садолар олис-олисларға таралиб, оҳиста-оҳиста тинди.” Тонг отаётган пайтдаги чўл тасвирини мутаржим яхши таржима қилган. **Аслиятда:** “Вөриниң үзип-үзип улыған сести тынышлығы бузып жи- берди. Ийтлер топары барлығы бирден шабаланып үрди. Сеслер әлле қай- ларға таралып жаңғырықлап- жаңғырықлап барып тынды”[4.3] . Аслиятдаги

учинчи гапнинг бошида берилган **“сеслер”** сўзи **“товушлар”** маъносини билдиради. Мутаржим бу сўзнинг синонимидан яъни **“акс-садолар”** сўзини қўллаб жуда ҳам тўғри қилган. Натижада катта муваффақиятга эришган. Фикримизни кейинги мисоллар орқали ёритамиз. **Ўзбекча таржимада:** “Бепоеън кенгликда, Қизилқумнинг қаърида, инсон шовқуни кўп замонлардан буён эшитилмаган ерларда одамларнинг товуши янгради, моллар мараб, қулинлар кишнаб, ёввойи ерда файзли қишлоқ пайдо бўлгандек бўлди. Сал кам икки юз чанғароқ саксовуллари қарағайдек ўсган кенг майдонни тўлдириб, минг йиллардан буён мудраб ётган Қизилқум чўлининг юрагини уйқудан уйғотиб юборди. Саксовулнинг йўғон новдасини қайириб юборсанг, “қарс” этиб тубидан синиб тушади”[3.12]. Мутаржим чўл тасвирини, у орқали табиат тасвирини аслиятдагидек бера олган. Нафақат, табиат тасвири, миллий колоритга хос бўлган барча сўзларни, реалаяларни ўзи ҳис қилиб, аслиятдаги услубни таржимада бера олган. **Аслиятда:** *“Қула дўздеб Қызылқумның бир қойнаўында, инсан шаўқымын көп заманлардан еситпеген жерлерде адамлардың даўыслары жаңғырды, мал мөңиреп, қулынлар киснеп, нағыз қыслаўға айланғандай болды. Сәлкем еки жуз шаңарақ сексеўиллери қарағайдай болып өскен бир тубекти толтырып, мың жыллар бойы қалғып атырған Қызылқум шөлинің қойнын уйқыдан оятып жиберди. Нәрўан сексеўилди қайырып жиберсең “морт” етип тўбиринен сынып түседи.”*[4.6-7]. Қорақалпоқ тилида **нағыз** сўзи худди деган маънони билдиради. Бу сўзни мутаржим файзли деб таржима қилган ва таржиманинг жарангдорлигини оширган. “Кўклам ёмғирларидан кейин Қизилқум манзараси тез ўзгарди. Уч-тўрт кун ичида саксаул бурчиқлари яшил тус олди. Ёвшанлар хушбўй ҳид таратиб, тепаликлар олистан қараган кишига яшил гилам тўшалгандек кўринар эди”[3.270]. Ушбу парча аслиятда шундай берилади. “Нөсер жаўынларидан кейин Қызылқум иши тез өзгерди. Уш- төрт куннинг ишинде сексеўил бурчиқлари жасыл түс алды. Жуўсанлар хош ийис таратып, төбешиклер алыстан қараган көзге жасил гилем яңлы болып көринер еди.”[4.183]. Таржима ҳам худди аслиятдек таржима қилинган. Аслиятдаги **яңлы** сўзи ўзбек тилига худди, гўё, гўёки, янглик, каби маъноларини билдиради. Мутаржим бу сўзни қисқа қилиб **-дек** деб таржима қилган.

Хулоса қилиб айтганда мутаржим ушбу асардаги чўл тасвирини моҳирона таржима қила олган. Аслиятдаги чўл манзараси, у орқали табиат тасвирини таржимада ҳам кўришимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Таржима санъати. Мақолалар тўплами 5 китоб 1980 Т.
2. Файзуллаева Р “Йўллар йироқ, кўнглилар яқин” Таржима санъати. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т. 1973.
3. Каримов К. Оғабий. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2020.
4. Каримов К. Оғабий. – Нөкис: Билим, 2013.

“TUSHDA KECHGAN UMRLAR” ROMANIDA PSIXOLOGIK TASVIR

Achilova Emina Sa'dulloyevna,
CHDPU o'qituvchisi

O'tkir Hoshimov asarlari orasida Istiqlolga erishganimizdan so'ng yozilgan “Tushda kechgan umrlar” romani alohida o'rin tutadi. 80-yillarning o'rtalarida O'zbekistonda «paxta ishi», “o'zbek ishi” nomlari bilan markaz tomonidan poraxo'rlikka qarshi kurashish, unga barham berish niqobi ostida, aslida esa, “siyosiy tozalash” ishlari olib borildi. Sho'rolar davrida har o'n yilda mana shunday “tozalash ishlari” olib borilgan. 80-yillar o'rtalarida Moskvadan kelgan X. Gdlyan, I. Ivanov boshchiligidan olib borilgan “O'zbeklar ishi”da minglab o'zbeklar qamoqqa olindi. O'zbekistonga markazdan minglab mutaxassislar ko'chirib kelindi. Xalqni qullik asoratida saqlab turish uchun bor imkoniyatlar ishga solindi. Shuni ta'kidlash lozimki, sobiq ittifoq boshidanoq soxta edi. Unga Respublikalar majburan birlashgan edilar. Sho'rolar tuzumining qariyb yetmish yillik hukmronligi davrida to'planib qolgan muammolar saksoninchi yillarga kelib yuzaga chiqa boshladi. Endi ittifoqni kuch bilan boshqarish mumkin bo'lmay qoldi. Mihayl Gorbochev hukumat tepasiga kelgach to'planib qolgan muammolarni hal qilish uchun “Qayta qurish” siyosatini o'tkaza boshladi. Stalin davridagi qatag'onlar butun ittifoqni qamrab olgan bo'lsa, qayta qurish davrida qatag'on buluti faqat birgina millatni badnom etdi. “Paxta ishi”, “O'zbeklar ishi” degan soxta uydirmalar o'ylab chiqarildi. Maqsad ittifoqda avj olib ketgan boshboshdoqlik, qo'shib yozish, korrupsiya kabi muammolarni O'zbekiston misolida bartaraf etishga kirishildi. Asar nomi ham bejiz bunday tanlanmagan. Adib 70 yil davomida mudroq holatda bo'lgan, uyquda hayot kechirgan millatning ijtimoiy, ma'naviy holatiga ishora beryapti. Asarda ko'p yillar kommunistik ahddiga sodiq yashagan Rustamning otasi tuhmat bilan qamalgandan so'ng, o'g'liga yozgan xatida aytadi: “O'ylab qarasam o'tgan umrim– umrmas, tush ekan. Go'yo men esimni tanib-tanimay birov uyqu dori ichirgan-u tush ko'rib yuraverganman:goh shirin, goh xatarli tush ko'rib, o'sha “birov” qayoqqa sudrasa, ketidan ergashib ketaverganman... uyg'onishga esa qo'rqqanman. mana endi, uyg'onib, yonverimga qarasam, menga o'xshaganlar ko'p ekan.” Bu so'zlar o'zi yashab turgan tuzumning a.dolatsizliklarini ko'rgan, nohaq jabr tortgan raisnigina emas, roman personajlarining barchasiga, ular timsolida esa minglab jabrdiydalarga ham tegishli. Ular bu qo'rqinchli tushdan uyg'onib amin bo'ladilarki, ular ishongan g'oyalar puch, bir umr e'tiqod qo'rganlari sarob bo'lib chiqdi. Adib bu tuzumning va unga ishongan odamlarning taqdiridagi ma'nisizliklarni shu tarzda ochib beradi. Romanda insonlar taqdiri orqali mustabid tuzumning g'ayriinsoniy mohiyati ochib beriladi.

Asarda ijtimoiy muhit ta'sirida xarakteri shakllangan Soat G'aniyev obrazi juda haqqoniy tasvirlangan. Uning xarakteridagi bo'yin egmaslik, cho'rt kesarlik, shafqatsizlik bolaligidayoq mavjudligini voqealar tasvirida ko'ramiz: “Ha-a, komissar! Qani, bir g'ayrat qilchi, ko'ramiz suvga teskari suzish qanaqa bo'larkan! Soat tag'in oqimga qarshi suzishga tushdi. Bora-bora qo'llaridan mador ketganini, oyoqlari uvishib qolganini sezdi. o'z yo'liga oqib yotgan suvga teskari suzish yaxshi emasligini idrok etdi. – Eshitib qo'yinglar! -dedi Soat alam aralash g'azab bilan. - Men komissar bo'laman! Albatta bo'laman! Hammangni otaman!” Bu satrlarda komissar bo'lish orzusida yurgan, bolalikning beg'ubor damlarini o'z boshidan o'tkaziyotgan Soat G'aniyevning xarakteridagi xususiyatlar ifodalangan. Darhaqiqat, asarda Rustam, Qurbonoy, Komissar, Sanjar, Shahnoza, Grishalarning taqdiri bir ipga tizilgandek, go'yo. Yozuvchi “Tushda kechgan” umrlar romani orqali urush oqibatida inson ruhiyatida qanday g'alayonlar ko'tarilganligini ko'rsatgan. Jumladan Rustam va Shaxnozaning Qatortoldagi qo'shnisidikida bo'lgan to'y sahnasi o'zbek millatiga xos ruhiy sifatlarning namoyon bo'lish ko'lamini va teranligi jihatidan oldingi romanlardan aslo qolishmaydi. Romandagi to'y epizodida orsizlik, qo'rqqanlik singari tuban ma'naviy sifatlarning milliy belgilar tarzida namoyon bo'ladi. Yuzlab odamning birgina kelgindini andishasizligi oldida indamay bo'yin egib turishi tasviri, yuraksizlik, o'zbekdan qo'y-odamlar tarbiyalashda yuksak natijaga erishganligining yorqin dalili bo'lgan degan gaplar bor!”, - deya o'zini oqlaydi. Davrning bo'ronlarida, mustabid

Хамраева Д.Ж.	Создание активной языковой среды на уроке - условие развития коммуникативной компетенции учащихся	323
Кененбаев Е.Т.- Серикбаева М.	Е- дидактика, как дидактическая инженерия в цифровом обучении	326
Назарова Д.М.- Рузиев Р.	Психолого-педагогические предпосылки активизации индивидуально-ориентированного обучения	327
Номозова М.- Исмоилова М.	Age as a determining factor in language learning	329
Наркузиева Г.З.- Алижонova З.	Преподавание русского языка в национальных группах	332
Наркузиева Г. Нозимова А.	Особенности обучения русскому языку как иностранному	333
Мухторова У.	Teaching vocabulary at elementary level	335
Бобокулова С. Б.	Возможности применения икт при обучении языку	337
Боймуродова М.	Эффективность использования обучающих презентаций на уроках русского языка	339
Караханова М.Х.	Роль обучающих компьютерных программ при обучении русскому языку	342
Мамадалиева Г.Э. Нурматова Ю.Ш.	Формирование у школьников образовательных компетенций посредством икт	344
Рахмонова Ф. А	Современный урок как система личностно развивающихся ситуаций	346
	Use of modern innovative technologies in english teaching and their effects	348
Bobojonov Sh.X.	Ona tili va adabiyot darslarida innovatsion va pedagogik texnologiya metodlaridan foydalanish ta'lim sifatini oshirishning muhim omili	351
Murodova R.	Ona tili ta'limida nostandart testlardan foydalanish zamon talabi	354
Hikmatov N.	Iborani o'qitish metodikasi haqida mulohazalar	357
Усманова З.	Ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатишда ёзма ишларнинг ўрни	359
Юсупова М.	Формирование лингвистической компетенции студентов при обучении иностранному языку	362

СЕКЦИЯ 6.

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА БАДИИЙ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ ЛИТЕРАТУРНЫЕ СВЯЗИ И ПРОБЛЕМЫ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ПЕРЕВОДА LITERARY CONNECTIONS AND PROBLEMS OF LITERARY TRANSLATION

Абдуллаева Р. Кошарная С.А.	Истиқлол даври ўзбек таржимачилиги муаммолари «Я в русской бездне тот поэт...»: поэзия Николая Гладких в зеркале этнокультуры	365 379
Имяминова Ш.	Немис тилидан ўзбек тилига бадий таржима ва таржимонлар тайёрлаш муаммолари	383
Эрназарова Г.	Рус шеърлятида медитав лирика муаммоси	389
Яхшиева З.Р.	Генезис тетралогии в мировой и узбекской литературе	394
Махмудов А. Й.	Г.Э.Лессинг асарларида шарқона ривоятнинг ўрни	396
Пардаева Д.Р.	Поэтика мифа и его влияние на развитие литературы	401
Узоқов А.	Бадиятда мозий акси	405
Буранова Ж.А.	Художественное своеобразие творчества Хаида Исмаилова (на примере романа «Пляска бесов»)	407
Аннаева Л.Р.	Идейно-художественное своеобразие новеллы Л.Н. Андреева «Ангелочек» как прецедентный текст русской рождественской прозы “Таркибадахшон” достонида “Гўрўғли” туркумига хос анъанавийлик	409
Хамраев Д.	ва ўзига хослик	413
Шин М.В.	Аномалия фантастики в «Петербургских повестях» Н.В. Гоголя	417
Курчастова А.Ш.	Хронотоп города в романе Дины Рубиной «На солнечной стороне улицы»	419

Исмаев С.Р.	Межкультурно-коммуникативные функции художественного перевода	421
Давлатшина Г.Ю.	Вопросы перевода художественного произведения	424
Шарипова М.Ж.	“Qo‘y” LMGI asosida shakllangan o‘zbek xalq maqollarida bog‘liqlik asosida ma’no ko‘chishi	426
Куванова Ш.О.	Франц Кафка ижодида «Жазо колониясида» кассасининг ўрни	428
Юлдашева Л.К.	«Новый реализм» как литературное направление XXI века	431
Садинова Д.У.	Духовные ценности узбекского народа (на основе узбекских народных терма)	434
Ниязова М.Ж.	Sentimentalizm adabiy oqim sifatida	438
Мўминова Д.Д.	«Рустамхон» достонида қўлланилган мақолларнинг бадиий вазифалари	440
Юлдашева О.Б.	The study of the concept of "Image" in art and literature	442
Тиллаева М.Я.	Восточные традиции и тема любви в повести Чингиза Айтматова «Джамиля»	443
Самандарова Д.И.	Явление градации в детских сказках	446
Самандарова Д.И.	Отношение помещиков к Чичикову, как новому поколению дельцов	449
Сайдазимов Р.	О проблеме классификации типов и функций заглавия художественного текста	451
Аликулова М.Ш.,		
Элмуродова Л.Н.	Художественное мастерство Александра Куприна	453
Каромова Ш.,		
Эшбоева Х.Х.	Адиб ижодида уруш сурати	455
Норбоева З.,	Хол Муҳаммад Ҳасан ижодида Қашқа воҳаси шева ва диалектига хос бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятлари	458
Каромова Ш.		
Екабсонс А.В.,	Время и пространство: современный взгляд на литературоведческую парадигму	462
Хасанханова Л.		
Обидова Ф.,		
Сергеева Э.С.	Топос как единица художественного пространства произведения	465
Гайнутдинова Н.,	Система изучения локального сверхтекста в современном литературоведении	467
Сергеева Э.С.		
Целых В.,		
Шагиева Н.Ф.	Взгляды К.С.Аксакова на творчество А.С.Пушкина	470
Бакиров Р.	Образ времени в стихотворении Б. Л. Пастернака «Единственные дни»	474
Шагиева Н.Ф.		
Калдыбаева Дж.О.		
Асанова А.	Жанровое своеобразие повести И. С. Тургенева «Призраки»	476
Мадусманов К.А.		
Юлчиева Л.	Восток в романтической поэзии А.С. Пушкина	478
Тангирова Г.И.		
Атажанова У.	Историческая тематика в творчестве А.Н.Толстого	480
Тангирова Г.И.		
Арзикулова С.	Система жанров в творчестве И.С. Тургенева	482
Қосимова Ф.Ш.,		
Тўхтаев Ў.	Фольклоршуносликда мотив	485
Хамраев Д.	Общие принципы лермонтовского психологизма	487
Ахмедова Д.		
Махмудова Н.	Märchen sind ein teil unseres kulturgutes	489
Тожибоева Г.А.	Абдулла Қодирий ва замондошлари ижодида аёллар образининг муштарак жиҳатлари	491
Атаджанов Ғ.		
Ачилова Э.С.	Таржимада миллий сўз чўл тасвирининг берилиши	494
Quchqorov Н.	Тушда кечган умрлар романида психолог тасвир	496
Shakirova S.	Badiiy tarjimada milliy madaniyatning aks ettirilishi	498
	Adabiy aloqalar va badiiy tarjima muammolari	501
	Наиболее частые ошибки при переводе произведений современных узбекских писателей на русский язык (на примере рассказов у. Умарбекова)	503